ҚАРАҚАЛПАҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ
НӨКИС ҚАЛАСЫ ҲӘКИМИНИҢ

ШЕШИМИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
НУКУС ШАҲАР ҲОКИМИНИНГ

ҚАРОРИ

Нөкис қаласы, А.Досназаров көшеси, 96

Нукус шаҳри, А.Досназаров кўчаси, 96

№ 01/02-37

«02» 02 2021 -ж.й

Нукус шаҳридаги автомобиль йўлларда ва кўчаларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида йўл белгиларини ўрнатиш ҳақида

Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг 2020 йил 24 октябрдаги 11/6-4139-сонли таклифини ўрганиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 2 октябрь кунги "Автомобиль йўллари тўғрисида"ги қонунининг 7-моддасига мувофиқ Нукус шаҳар ҳокимлиги тасарруфида бўлган автомобиль йўлларда ва кўчаларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида **3.27, 3.28, 7.2.2, 7.2.3, 7.5.4, 7.5.6** йўл белгиларини ўрнатиш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Нукус шаҳридаги П.Сейтов кўчасининг Мартлик кўчаси билан Кок озек кўчаси оралиғида «Ажинияз» номидаги Нукус давлат педагогика институтининг қарама-қарши томонига 3.27 «Тўхташ тақиқланган» йўл белгисига қўшимча 7.2.2 «Таъсир оралиғи (100 метр) ва 7.5.6 «Амал қилиш вақти» соат 08:00 дан 18:00)гача ва 4Р-176 «Нукус-Чимбой-Тахтакўпир» автомобил йўлининг 14,3-14,7 километри оралиғида жойлашган Нукус орқа автовокзали олдидан ўтган кисмига йўлнинг ўнг томонига 3.27 "Тўхташ тақиқланган" йўл белгиларини 7.2.3 «Таъсир оралиғи» ва 7.5.4 «Амал қилиш вақти» (соат 08:00дан 21:00гача) йўлнинг чап томонига Нукус орқа автовокзалининг олди қисмига 3.28 «Тўхтаб туриш тақиқланган» йўл белгиларини 7.2.3 «Таъсир оралиғи» ва 7.5.4 «Амал қилиш вақти» (соат 08:00дан 21:00гача) қўшимча ахборот йўл белгилари билан бирга ўрнатилсин.

2. Нукус шаҳридаги П.Сейтов кўчасининг Мартлик кўчаси билан Кок озек кўчаси оралиғида «Ажинияз» номидаги Нукус давлат педагогика институтининг қарама-қарши томонига 3.27 «Тўхташ тақиқланган» йўл белгисига қўшимча 7.2.2 «Таъсир оралиғи (100 метр) ва 7.5.6 «Амал қилиш вақти» соат 08:00 дан 18:00) гача ва 4Р-176 «Нукус-Чимбой-Тахтакўпир» автомобил йўлининг 14,3-14,7 километри оралиғида жойлашган Нукус орқа автовокзали олдидан ўтган кисмига

Сканировано с CamScanner

йўлнинг ўнг томонига 3.27 «Тўхташ тақиқланган» йўл белгиларини 7.2.3 «Таъсир оралиғи» ва 7.5.4 «Амал қилиш вақти» (соат 08:00дан 21:00 гача) йўлнинг чап томонига Нукус орқа автовокзалининг олди қисмига 3.28 «Тўхтаб туриш тақиқланган» йўл белгиларини 7.2.3 «Таъсир оралиғи» ва 7.5.4 «Амал қилиш вақти» (соат 08:00дан 21:00гача) қўшимча ахборот йўл белгилари билан бирга ўрнатиш ишлари Нукус шаҳар Ички ишлар органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлимига (Р.Султанов) топширилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Нукус шаҳар ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар, ва коммунал хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Р.Ибрагимовга юклансин.

4. Ушбу қарор «Пайтахт» газетасига расмий эълон қилинсин ва ҳокимлик расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

5. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

Нукус шаҳар ҳокими **У.Панаев**

Сканировано с CamScanner